Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 2 (10.251).

1992 йил 3 январь жума

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1992 йил 2 январь 1-сон қарори

1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва товарларни фақат республика фуқароларига сотиш учун шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига сўмларда ҳақ тўлаш билан бирга купонлар бўйича товарлар сотиш жорий қилинсин.

2. «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва мулкчиликнинг барча шакларидаги хўжаликлар 1992 йилнинг 4 январигача банкларнинг тегишли муассасаларига, 1991 йилнинг декабридаги иш ҳақи сўммаси ҳисобидан, унинг 1992 йилда ошишини назарда тутган ҳолда 2-иловага ҳамда «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низомга мувофиқ, зарур миқдордаги купонларга талабномалар тақдим этсинлар.

Ўзбекистон давлат банки бошқа республика банклари билан биргаликда тушган талабномаларга мувофиқ, зарур миқдордаги купонлар беришни таъминласин.

Республика ҳудудидаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар хўжаликлар 1992 йил 9 январгача ишловчиларга, пенсионерларга, студентларга ва бошқа тоифадаги фуқароларга купонлар беришни таъминласинлар.

4. Болалар озиқ-овқатига муҳтож 2 ёшгача бўлган болаларни таъминлашни яхшилаш учун 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бу товарларни врач рецепти бўйича бериш жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болаларига текин болалар овқати бериш учун махсус бланкаларда бериладиган рецептлар, болалар овқатига муҳтож бўлган, қолган болаларга эса оддий рецепт бланкаларида рецептлар беришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув аҳолига болалар овқати сотишни врач рецепти бўйича ташкил этсинлар.

Белгиланснинки, бугунги кунда талон бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ, амалга оширилади. Бунда қиймати 5 минг сўмдан ортиқ бўлган товарлар аҳолига купонлар билан бир вақтда ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқномаси бўйича пул ўтказиш йўли билан сотилиши мумкин.

5. Белгиланснинки, купонлар миқдори даромадлари қайд этилган шахсларга 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ва йил учун иш якунлари бўйича узил-кесил иш ҳақи олувчи ходимлар учун, 2-иловада назарда тутилган шкалани ҳисобга олган ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақидаги тенг миқдорларда купонлар берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, «Ўзкооптайёрловсавдо», Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки товарларни республика чек дафтарчалари ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича сотиш қоидаларини тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Тошкент полиграфия комбинатининг ижарачи корхонаси 1992 йилнинг 1 чорагида республика чек дафтарчаларини ва ҳисоб-китоб чекларини 1992 йил учун зарур миқдорда тайёрлашни таъминласинлар, бунда 1992 йилнинг апрель ойидан бошлаб улар бўйича сотиладиган товарларнинг турларини кенгайтириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси:

1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бозор фондининг 40 фоизгача ҳажмидаги автобензинни тижорат нархлари бўйича сотишни жорий қилсин;

автобензиннинг тижорат савдосини амалга оширувчи автоёнилғи қўйиш станцияларининг сонини ва жойлашишини аниқласин.

Белгиланснинки, автобензинни тижорат нархларида сотишдан олинадиган қўшимча тушумларнинг 90 фоизи республиканинг давлат бюджетига, 10 фоизи эса Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитасига ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат бош солиқ бошқармаси автобензинни тижорат нархлари бўйича сотиш, тижорат нархлари белгилаш ва тижорат бўйича сотишдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўрисида Вақтинчалик низомни тасдиқласинлар.

Автобензинга тижорат нархлари белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш республика комиссияси тасдиқлансин, унга сотиш нархлари ўзгаришига қараб, автобензин учун тижорат нархларига, 4-иловага мувофиқ тезлик билан аниқликлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Мазкур қарорни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купон системасини жорий қилиш Республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин (5-илова).

11. Ушбу қарорни бажариш мақсадида корхоналар, муассасалар ва хўжаликларнинг раҳбарлари тегишли хизматларнинг 1992 йилнинг 4 ва 5 январдаги дам олиш кунларида ишлашини ташкил этсинлар, кейинчалик уларни Қонунда белгиланган тартибда компенсация қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси жойларда ушбу қарорнинг оғишмай амалга оширилишини таъминласинлар, бунинг учун аҳоли ўртасида зарур ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио қўмитаси, ЎзТАГ, республика газеталари муҳарририятлари ушбу қарордан келиб чиқадиган қоидаларни кенг тушунтириш бўйича кўрсатувлар, эшиттиришлар ва материаллар тўркумини ташкил этишни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш комплексларнинг раҳбарларига — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарларига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

(Вазирлар Маҳкамаси қарорига иловалар газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг халқимизга ташаккури

Истиқлолни орзиқиб кутгандик. Келишига ишонгандик. Унга эришдик. Буюк авлодларимиз руҳи шод, замондошларимиз қадди тик, дўстлар хурсанд бўкун. Энди истиқлол истеҳкоми мустаҳкам ҳуқуқий қалъага қадир, азизлар. Мустақиллик. Озодлик абадул-абад ҳамроҳимиз бўлсин. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси раиси И. А. Каримовни кўпчилик сайловчилар қўллаши ва сайлов натижалари партиямиз учун катта ишонч ва улкан масъулиятдир.

Ушбу муваффақиятга ҳал қилувчи улуш қўшган азиз юртдошларимизга, ҳурматли ота-оналаримизга, муҳтарама опа-сингилларимизга, мард ога-иниларимизга, барча мусулмон ва дин аҳлига, бутун Ўзбекистон халқига, ватандошларимизга минг бора таъзим.

Бу сайлов бурунгиларига ўхшамас ва мақсади бўлак эди. Уни сиёсий фаоллик ва уюшқоқлик билан ўтказишга кўмаклашган сайлов ташкилотчиларига, ташаббускорларга, уни қўллаб-қувватлаганларга минг бора ташаккур.

Ўзбекистон келажаги ўз қўлимизда. Уни тотувлик ва аҳиллик ўлкасига, инсон камолоти каъбасига, ҳар томонлама тараққий этган, одил ва адолатпарварлар ватанига айлантириш ўзимизга боғлиқ. Бу ишда чарчамайлик.

Мустақиллик йўлида қийинчиликлар бор. Синовлар етарли. Иқтисодий тазйиқлар учраб турибди. Ижтимоий-сиёсий вазият чигал. Умумжаҳон ўзгаришлар содир бўлаётир. Миллий онг, сиёсий тафаккур, маънавият гулшанини безатмоғимиз лозим. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида, башарият оламида ўз ўрнини топмоғи, истиқлол байроғини янада баландроқ ва мағрур кўтармоғи керак.

Ушбу юмушларни амалга оширишда президентлик ҳокимиятининг ўрни бўлакча. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси сиёсий муҳолифликларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб барча ижтимоий-сиёсий кучлар, дин аҳиллари ва Ўзбекистон тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватанпарвар инсонларни биргаликда ҳаракат қилишга чақиради. Халқ Президенти атрофида бирлашайлик. Одамларнинг — одамларга, юртларнинг — юртларга, миллатларнинг — миллатларга яхшилиги сиёсатини олиб борайлик. Шунда умумхалқ иродаси орқали танлаб олинган озодлик йўлидан четга чиқиш рўй бермаяжак. Жафокаш халқимиз бошига кулфат тоши ёғилмаяжак. Доно халқимиз бундай ҳолларга йўл қўймаслигига ишонамиз. Ишонч бизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ташриф қилган янги — 1992 йил Ўзбекистонга, унинг барча фуқароларига, оилаларига қут-барака, бахт-саодат олиб келсин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси 1992 йил 4 январь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 3 январь куни эрта билан соат 9.00 дан то кеч 18 га қадар 4 январь куни эрта билан соат 9.00 дан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 3 январь куни соат 17.00 да Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг кичик залида бўлади.

• Бизнинг мусоҳаба

ИСТАГИМ ШУКИ...

Жўра ХОНАЗАРОВ,

халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши фахрийлар билан ишлаш доимий комиссияси раиси.

ЎТГАН 1991 йил ҳақида гап борганда мен шу йили амалга оширилган ишларни тарозининг икки палласига қўяман. Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ижобий палла анчайин оғир келди. Биргина республикамиз эришган истиқлол, мустақилликнинг ўзи 1991 йил ўзбек халқи тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилади.

Ниҳоят «буйруқбоз марказсиз» ўз истиқболимиз йўлида, орзуларимизни амалга ошириш учун эмин-эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлдик. Албатта, ҳали бу мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида биз янада жипслашиб, ҳамжиҳатлик билан кўп иш қилишимиз лозим.

1991 йилнинг шахсан биз — фахрийлар учун хайрли томони шу бўлдики, республика Президенти томонидан чиқарилган фармонлар асосида қадр-қиммат топа бошладик. Бизни ҳам эслаб, обрў-эътиборимизни жойига қўядиган бўлишди, нафақаларимиз оширилди, таъминотимиз ўзгарди, турли кўмаклар кенгайди. Буни унутиб бўладими, ахир.

Қишлоқ аҳлининг ерли, чорвали бўлганлиги-чи! Бу ҳам энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Сўнгги йилларда халқ қўлидаги чорва туёғи сезиларли ошганлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Халқда бўлгани, давлатда, юртда бўлганидир.

Бугун янги — 1992 йилнинг биринчи кунида нималар ҳақида ўйлаяпман. Деҳқон фарзандиман. Шунинг учун унинг қадр топишини, ўз меҳнатига яраша моддий ва маънавий манфаат кўришини истардим. Шу билан биргаликда бугунги кунда халқимизга бўлиб берилаётган ерларнинг бекор ётганлиги мени жуда ташвишлантирмоқда. Агар билсангиз, халқнинг биринчи бойлиги ердир. Уни қанчалик эъзозласак, ундан билиб, тўғри фойдалансак, дастурхонимизни тўкин қилади, устимизни бут қилади, пештахталаримизни тўлдиради, бола-чақамизни боқади. Буни ҳеч вақт унутмайлик.

Иккинчи тилагим: гап кам бўлсину, иш кўп бўлсин. Бугун демократия ниқоби остида тинимсиз вайсақилик қилаётганларга барҳам берайлик. Ўзбек халқининг андиша, меъёр деган сўзларини унутмайлик. Ҳамма жойда демократик интизом бўлсин. Мен бу гапларни шунинг учун таъкидлаяпманки, эртага ўтиладиган бозор иқтисодиётида бунинг аҳамияти катта бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасида сўнгги пайтда қадрият, тарихимиз, илгариги Ўзбекистон, унинг халқи, истиқлоли, маънавиятини бойитиш йўлида жон фидо қилган кишиларимиз тўғрисида берилаётган мақолалар шахсан менга жуда маъқул бўлмоқда. Ана шу мавзуни кенгайтириш тарафдориман. Зеро, ўз тарихини билмаган халқ келажакни ҳам кўра олмайди.

Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Афсуски, унинг ижроси мутлақо қониқарли эмас. Ҳатто қишлоқ районларда ҳам ҳалигача турли йиғилиш ва тадбирларнинг рус тилида ўтказилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин. Ваҳоланки, ана шу даврада ўзбек тилини тушунмайдиган халқнинг ўзи бўлмайди.

Истагим шуки, рўзнома тил тўғрисидаги Қонунинг бажарилишини қаттиқроқ назорат остига олса. Матбуот саҳифаларида бу масалага тез-тез ўрин бериб, туб илдизини очиб берса.

Имкониятдан фойдаланиб, рўзнома орқали барча вилоят аҳолисини, қадрли фахрийларимизни, оналаримизни, болаларимизни Янги йил билан чин дилдан муборакбод этаман.

• МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТЯПТИ

ЯХШИЯМ БОЗОР БОР

МЕҲМОН кутадиган, каттами-кичикми йиғин қиладиган ёки рўзгоримизга бирор нарса ҳарид қиладиган бўлсак бозорга борамиз. Бу табиий ҳол. Биз қидирган мева-чева бозорда бор. Олгач, кўнглимиз жойига тушгандек бўлади. Ҳарқалай, арзонми-қимматми, топилди-ку! Кета-кетгунча ўйланамиз. Борган сари тақчиллашиб, шунинг баробарида қимматлашиб бораётган мева-чевалар Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадонида етиштирилиши ва бўлиши керак эмасми?

Шунга ўхшаш ўй-хаёллар ҳар бир кишининг кўнглидан кечиши мумкин.

Ўзбекистон расман мустақилликка эришди. Анъаналаримиз, қадриятларимиз, иқтисодимиз қайтадан тиклана ва кўз оча бошлади. Ҳар биримизнинг олдимизда жуда катта ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Шулардан бири қорнимизни тўқ, устимизни бут, кўнглимизни хотиржам қиладиган ва охир-оқибатда юртимиз меҳнаткашларининг, фарзандларимиз камолотига хизмат қиладиган ота-боболаримизнинг минг йиллик тажрибаларини, деҳқону боғбонларимизнинг тадбиркорлигини ўрганиш, тиклаш, ҳаётга жорий қилишдир.

Яна бозорга қайтсак... Ҳеч эътибор берганмисиз, Тошкент шаҳрининг Олой, Чорсу, Қўйлиқ сингари ўнлаб катта бозорларини дастлаб бодринг билан водийликлар, ўрик, анор сингари мева-чевалар билан хўжандликлар тўлдиришади (оталарига раҳмат!). Куз, қиш, баҳор фаслларида ҳам расталарга кўпроқ ўша ёқлардан келтирилган мева-чевалар файз киритади. Бу яқин ўтмишда пахта яккаҳокимлиги деб аталмиш аждаҳонинг юртимиз ҳар бир хонадонидаги бола-чақанинг ризқи бўлмиш битта-иккита мевали дарахтни ҳам ямлаб ютиб юборганлигини кўрсатади. Бу гапда ҳеч қандай муболаға йўқ. Фақат пахта етиштирилгани билан деҳқон рисоладагидек яшашга етадиган ҳақ ололмади. Натижада, деҳқон қўшимча даромад олиш мақсадида томорқасидаги «соя ташлаб турган» мевали дарахтни таг-томири билан қўпориб ташлашга, ерга тузукроқ даромад келтирадиган карамми, бодрингми, картошками, помидорми экишга мажбур бўлди. Ахир олаётган маоши нон-тузга, кийим-кечакка базўр етиб турганда олма, анор, ўрик, нок, шафтоли ейишга йўл бўлсин. Мен билган қишлоқлардаги барча томорқаларга ёппасига помидор экиш, яна бир қишлоқда карам экиш «мода»га айланди. Карам ва помидор ҳақиқатан ҳам сердаромад экин. Шу экинларни етиштириш билан шуғулланганлар ўзларини анча тутиб олишган. Пишиқчилик даврида бозорларни маҳсулотга тўлдириб юборишади. Айни пайтда шу қишлоқ кўчаларини айланиб чиқинг. Кутганингизчалик мевали дарахтларни учратмайсиз. Нима, бу ерниг одамлари мева-чевани унчалик хуш кўришмаса керак, деб ўйлайсизми? Бекор гап. Хуш кўришади. Ҳаммаси бозордан олинади. Олганда ҳам шаҳар бозорларидан харид қилинади. Нима бўлганда ҳам пойтахт бозорларидан қидирган нарсани қиммат нархда бўлса-да топиш мумкин. Яхшиям бозор бор!

ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИК КЕРАКМИ?

Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти, Тошкент кўчатчилик шўро хўжалиги маъмуриятининг тўрт-беш йилдан буён пойтахт вилояти миқёсидаги ташкилотларига ер сўраб қилаётган мурожаати натижасиз қолмоқда.

Сархил мева берадиган кўчат етиштириш учун унумдор ва сувли ер керак.

Кўчатчилигимиз қийин аҳволни бошидан кечирмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ер тақчиллиги туфайли пахта яккаҳокимлиги сингари кўчат яккаҳокимлиги ҳукм сурмоқда. Кўчат етиштирилган тупроққа яна қайта-қайта ёш ниҳол ўтқазилмоқда. Бу жараён узлуксиз бир неча йиллаб давом этаётир. Ерга дам бериш, алмашлаб экишга имкон йўқлиги соғлом, асл навли кўчат олишга, ёш новданинг турли хил касалликларга тез чалинувчан бўлиб қолишига хавф солаётир. Келгусида пойтахт бозорларини мўл-кўл мева билан таъминлашда биринчи навбатда вилоят аҳолисини етарли миқдорда кўчат билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Томорқа соҳибининг ҳар бир тўп кўчатнинг унибўсиши ва ҳосилга кириши-дан аввало ўзи манфаат топади.

Ҳадемай баҳор эшик қоқади. Кўчат етиштиришда муаммо бўлиб турган ер масаласининг тезроқ ижобий ҳал қилиниши икки-уч йилдан сўнг боғ барпо қилишдаги қийинчиликларни бир қадар енгиллаштиради. Мўлкўлчиликни, фаровон турмушни таъмин этиш борасидаги Президентимизнинг қатор фармонларини амалга ошириш ҳар биримиздан дадил ҳаракат қилишни, жўраъ ва жасоратни талаб қилади. Мустақилликнинг табиати ҳам шуни тақозо этади.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.

Ерга эга бўлган одам учтўрт тўп мевали дарахт кўчати ўтказиб қўйишни режа қилади. Эрта баҳорда кўчат қидиришга тушади. Мевали дарахт кўчатини топиш эса йилдан-йилга қийинлашиб нархи қимматлашиб бормоқда.

Келинг, яхшиси бу борадаги ҳозирги аҳволимизга назар ташлайлик. Р. Р. Шредер номли Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти кўчатчилик билан шуғулланувчи йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Бу илмгоҳнинг ишни олга силжишига йўл бермаётган ўзига хос катта-кичик муаммолари бор. Ушбу мақолада катта даргоҳнинг барча муаммоли масалаларини баён қилиш қийин. Биргина пойтахт вилояти ташкилот ва хўжаликларига кўчат етиштириб берувчи Тошкент кўчатчилик шўро хўжалигидаги вазият билан танишиш ҳозирги аҳволимиздан қисман бўлса-да воқиф этади. Тошкент вилояти ташкилот ва хўжаликларига 1991 йил кузида бир миллион ўттиз минг дона мевали дарахт, бир миллион беш юз эллик саккиз минг дона узум кўчати етказиб берилган бўлса, шундан ғал кам учдан бир қисмя Андижондан келтирилган.

Кўчатчилик шўро хўжалигининг ҳозирги кунда икки юз гектар ери бор. Кейинги ўн йил мобайнида анча миқдордаги ер Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ўтиб кетган. **Р. Р. Шредер номли**

● ТАБИИ офат — кўчкидан зарар кўрган Жигаристонда қисқа муддатда замонавий кўркам уйлар қад кўтарди. Суратларда жигаристонликлар оилалари кўчиб кирган янги уйлар; «Тектоникос» кичик корхонаси қурувчилари қишлоқда поликлиника қуришмоқда. Ҳадемай бу шифохона ҳам фойдаланишга топширилади.

Пастдаги суратда бир гуруҳ қурувчилар навбатдаги иш куни олдидан маслаҳатлашиб олишмоқда.

В. МИЛЕНЬКИЙ. (ЎзТАГ) суратлари.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 1-илова

КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БУЙИЧА ТОВАРЛАРНИ СОТИШ, УЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купонли карточкалар* 1992 йилнинг 1 чораги учун ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади.

2. Купонли карточкалар товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

* Бундан кейин купонлар деб аталади.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БУЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, тижорат, матлубот кооперацияси тизимида, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи товар алмашув операциялари бўйича ва валютага сотиб олувчи ва уларни ўз ходимларига сотувчи корхоналарда ва ташкилотларда купонлар бўйича мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўрсатилганлардан ташқари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари сотилади.

Купонлар билан тўлаш товарлар қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш билан бир вақтда карточкадан купонларнинг эквивалент суммасини қирқиб олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари;

ҳарбий қисмлар (муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига), колониялар ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳудудида жойлашган магазинлардаги товарлар;

тижорат нархлари бўйича сотиладиган нефть маҳсулотлари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар хил хизматлар кўрсатиш;

5. Купонлар билан бир вақтда, чеклар, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириғига кўра уларнинг банк муассасаларидаги шахсий счётларидан пул ўтказиш йўли билан республика аҳолисига қиймати 5000 сўмдан кўп бўлган товарлар сотилади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқаларнинг чакана савдо шохобчаларидан нақд пулга купонсиз товар сотиши тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ўтмайди.

7. 50 тийинга тенг бўлган ва ундан кам қиймат бўйича харид учун ҳисоб-китоб купонсиз амалга оширилади. Сўм ва тийинда ифодаланган харид учун ҳисоб-китоб купон билан тўланаётганда йириклаштириш қоидаларига кўра сўм ҳисобида тегишли суммагача йириклаштирилади (50 ва ундан кам бўлган тийин кам томонга, 51 ва ундан кўп тийин кўп томонга).

8. Савдо корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, шунингдек, автоёқилғи қуйиш станцияларида купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш билан тўланади, улар ўзларининг номинал қийматлари бўйича гуруҳларга ажратилади ва иш куни давомида корхонанинг моддий жавобгар шахсида (сотувчи, кассир, кассир-назоратчи), корхонада товарларнинг сотилиши учун масъул бўлган шахсда сақланади.

9. Магазинларнинг сотувчилари, шунингдек, корхоналарда ва ташкилотларда амалга оширилган алмашув операциялари натижасида ва валюта учун олинган товарларни сотиш учун масъул бўлган шахслар савдодан олинган тушумни сўм ва купон билан икки томонлама ҳисоблаб чиқадилар. Купонлар қатъий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

10. Тушум суммасининг сўм ва купон ҳисобида бир-бирига тўғри келиши учун масъулият савдо корхонасининг раҳбари зиммасига юклатилади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган фарқ фоизи тегишли банк органлари билан келишилган ҳолда юқори савдо ташкилоти томонидан белгиланади.

11. Банк муассасаларида тушган купонларни ҳисобга олиш, унинг ҳаракати ва топшириш тартиби Ўзбекистон Давлат банки, Саноат қурилиш банки, Деҳқончилик саноат банки, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, «Ўзкооптайёрловсавдо» ва Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

III. КУПОНЛАРНИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ

12. Купонлар:

асосий иш, ўқиш, хизмат жойидан, пенсиялар, ўтказилган пуллар олинадиган алоқа бўлимлари ва тегишли банклардан;

шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган ва ўз маҳсулотини топширувчи шахсларга — умумий асосларда тегишли ташкилотлар томонидан;

ҳарбий хизматчилардан бўлган пенсионерларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга — банк муассасаларидан;

корхоналар ва ташкилотлардан стипендия олувчи студентларга — фақат ўқиш жойидан берилади.

Иш ҳақи тўлашга банк муассасаларидан нақд пул олмайдиган ва шу тўловдан тушган даромад ҳисобига таъминловчи ташкилотлар купони умумий асосларда банкдан оладилар.

Республика ҳудудида жойлашган, лекин иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа ҳудудлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи учун ведомостлар кўрсатилгач берилади.

Ўриндошлик билан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умумий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича, иш ҳақи олувчиларга эса умумий асосларда берилади.

13. Жорий ойда фойдаланилмай қолган купонлардан кейинги ойларда фойдаланиш мумкин.

Ходимларга таътил мабларлари ёзилаётганда бериладиган купонларнинг суммаси ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисобланаётган суммалар асосида аниқланади.

Банклар ва корхоналар берган кредитлар, шунингдек, суғурта органлари томонидан тўланадиган суммалар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР ҲАЖМИ

14. Бериладиган купонлар миқдори 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ҳисобланувчи қайд қилинган даромадларнинг (солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолишларни чиқариб ташлаб) миқдорига боғлиқ бўлади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштиради (5 сўмгача — кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда — кўп томонга).

Купонлар бир ойда бир марта берилади.

Купонларни дастлабки бериш 1992 йил 9 январгача, 1991 йил декабрь ойи учун тўланадиган иш ҳақлари, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа молиявий даромадлар ҳисобидан белгиланган миқдорларда, ушбу даромадларнинг 1992 йилда ошишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Февраль ойи учун купонлар 1992 йил 16 февралгача, март ойи учун 16 мартгача, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда берилади.

Доимий иш жойига эга бўлмаган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ўз маҳсулотини колхоз бозорида сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёҳуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек, республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар уларни олишга рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида шкала билан белгиланган миқдорда берилади (2-илова). Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосида яшаш жойидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмитасида берилади.

Муаллифлик гонорарлари олувчи фуқаролар давлат солиқ инспекцияларига даромадларни олган жойдан берилган ўтган йилдаги даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этадилар.

Совет Армияси сафларидан демобилизация қилинган ва вақтинча (уч ойгача) ишламайдиган ҳарбий хизматчилар, ўз хоҳиши билан ёки қисқариш сабабли ишдан бўшаган ва вақтинча (бир ойгача) ишлаймайдиган фуқаролар, ёлғиз яшовчи кексайиб қолган фуқаролар ҳамда пенсия ва ижтимоий ёрдам олмайдиган фуқаролар, шунингдек, қамоқ жойларидан озод қилинган ва вақтинча (бир ойгача) ишламайдиган фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмитаси ҳарбий билет, паспорт, меҳнат дафтарчаси, озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берган купонларни олишга рухсатномани кўрсатиб, банк муассасаларидан 150 сўм миқдорида купон оладилар.

«Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1991 йил 25 мартдаги 65-сон қарорига мувофиқ нафақа олувчи вақтинча ишламайдиган аҳолига купонлар 150 сўм миқдорида берилади. Бу Қонун қабул қилингандан кейин расман ишсиз мақомини олган фуқароларга купонлар белгиланган нафақанинг 100 фоизи миқдорида берилади.

Болага қараётганлиги учун таътилда бўлган аёллар ҳар ойда иш жойидан нафақа ва бошқа даромадларнинг, компенсация ҳам шу жумлага киради, 100 фоизи миқдорида купонлар оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилини давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларга купонлар уларнинг иш жойидан 150 сўм миқдорида берилади.

Мавсумлар орасида мавсумий ишлар билан банд бўлган фуқаролар купонларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берган рухсатнома асосида яшаш жойларидан ойига 150 сўм миқдорида оладилар.

Даромад манбаига эга бўлмаган ва оила қарамоғидаги уй бекаларига купонлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига 150 сўм миқдорида берилади.

Бензин учун пул компенсацияси олувчи ногиронларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида компенсация олинадиган жойда йилнинг ҳар чорагида бир марта берилади.

Болалар ассортименти товарларининг қимматлашганлиги учун нафақа олувчи болаларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида, бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар етказилганлиги муносабати билан фуқароларга бериладиган моддий ёрдам пули учун купонлар тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик миқдорида белгиланган шкала бўйича (2-илова) берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умумий асосларда ишловчилар сифатида берилади.

Иш ҳақини сўмларда олмовчи, бироқ республикада яшовчи ёки хизмат сафарида бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютани белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) купон олган ҳолда тижорат курси бўйича сўмларга алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ўқув юртларида ўқиётган чет эл фуқароларига купонлар тўланадиган стипендиянинг 100 фоизи миқдорида берилади. Улар эркин алмаштириладиган валютани купон олган ҳолда сўмларга алмаштириш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган, оила аъзолари республикада доимий яшаётган фуқаролар хизматни ўтаётган жойидан иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан белгиланган шкала бўйича (2-илова) миқдорларда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилига келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналаридан, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умумий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва республика ташқарисида кўчиб ишлаб юрувчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотномаларни кўрсатгач, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купонларни оладилар.

1 гуруҳ ногиронларга, шунингдек, интернат уйларда яшовчи ва тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган пенсия миқдорида берилади.

Муаллифлик қашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказо ҳисобига мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умумий асосларда ҳамма даромадлари юзасидан оладилар.

Етим болалардан ва отаонасининг қаровисиз қолган болалардан бўлмиш талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Муваққат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек, пудрат шартномаси бўйича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) берилади.

ВТЭК (меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссияси)дан қайта текширувдан ўтган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан берилган рухсатнома кўрсатилгандан кейин кўрикдан ўтишнинг бутун даври учун ҳар ойда 150 сўмлик купон берилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ҳисобидан таътил олган ходимлари иш жойидан купонларни таътилга чиқишдан олдинги охирги ойда олинган белгиланган даромадлар суммасидан белгиланган шкала бўйича миқдорида (2-илова) оладилар.

Донорлар донорлиги учун даволаш муассасаларидан олинган сумманинг тўла миқдорида купонлар билан таъминланадилар.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Купонлар республика ҳудудида жойлашган барча банк муассасаларида, шу жумладан, тижорат банкларида берилади.

17. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича масъул шахс тайинланади ҳамда унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхоналар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида ҳисобга олинади. У номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар купонларни олиш ва бериш ҳуқуқини берувчи кирим-чиқим накладнойлари, сарфланган касса ордерлари ва тўлов ведомостлари орқали амалга оширилади.

18. Олувчига берилган купонларнинг номинал суммаси иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқаларни беришда тўлов ведомостида қўшимча равишда киритилган устун (қатор)да ёки бошқа тўлов ҳужжатида акс эттирилади.

Купонларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) олдиндан берилган буюртмаларга мувофиқ нақд пул олинадиган банк муассасаларидан топшириқ бўйича оладилар.

Пенсиялар, нафақалар берувчи алоқа корхоналари уларга купонларни банк муассасаларидан ижтимоий таъминот органлари томонидан тузилган тўлов ведомостларига мувофиқ оладилар. Тўлов ведомостида берилиши лозим бўлган купонлар суммаси алоҳида устунда кўрсатилади. Пул ўтказиш операциялари бўйича купонлар бериш учун алоқа муассасалари томонидан резерв ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомади сарфланган қоғоз пулларнинг номинал қийматидан (яъни 1 сўмлик 1 купон учун — пул билан 1 сўм) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган суммасини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади, унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Купонларни ҳар гал навбатдаги олиш учун корхона олдинги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

19. Олинган купонларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда сақлаш қиймати бўйича аниқланадиган ҳисобга олинадиган ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири купонли карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қаттиқ риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудири зиммасига юклатилади.

21. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хом ашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш барча банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

Бошқа республикаларнинг узоқ муддатга (бир ойдан кўп) хизмат сафарига келган фуқаролари купонларни хизмат сафарига келган ташкилотлар ва корхоналардан ойига 150 сўм миқдорида оладилар.

Нақд пулсиз тартибда келадиган алиментлар белгиланган шкала бўйича миқдорда купонлар (2-илова) билан таъминланади.

15. Купонли карточкалар муомалага бланканинг 10, 25, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик номинал қиймати билан чиқарилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кассаларидан купонли карточка беришда купонлар суммаси йириклаштириш қоидалари бўйича (5 сўмгача кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда кўп томонга сўмларда тегишли суммагача йириклаштирилади.

Карточкалар аниқ бир шахснинг номига ёзиб берилади ва раҳбар, бош бухгалтернинг имзоси ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Йўқотиб қўйилган ва бузилган купонлар ва карточкалар тикланмайди.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Купонлар республика ҳудудида жойлашган барча банк муассасаларида, шу жумладан, тижорат банкларида берилади.

17. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича масъул шахс тайинланади ҳамда унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхоналар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида ҳисобга олинади. У номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар купонларни олиш ва бериш ҳуқуқини берувчи кирим-чиқим накладнойлари, сарфланган касса ордерлари ва тўлов ведомостлари орқали амалга оширилади.

18. Олувчига берилган купонларнинг номинал суммаси иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқаларни беришда тўлов ведомостида қўшимча равишда киритилган устун (қатор)да ёки бошқа тўлов ҳужжатида акс эттирилади.

Купонларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) олдиндан берилган буюртмаларга мувофиқ нақд пул олинадиган банк муассасаларидан топшириқ бўйича оладилар.

Пенсиялар, нафақалар берувчи алоқа корхоналари уларга купонларни банк муассасаларидан ижтимоий таъминот органлари томонидан тузилган тўлов ведомостларига мувофиқ оладилар. Тўлов ведомостида берилиши лозим бўлган купонлар суммаси алоҳида устунда кўрсатилади. Пул ўтказиш операциялари бўйича купонлар бериш учун алоқа муассасалари томонидан резерв ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомади сарфланган қоғоз пулларнинг номинал қийматидан (яъни 1 сўмлик 1 купон учун — пул билан 1 сўм) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган суммасини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади, унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Купонларни ҳар гал навбатдаги олиш учун корхона олдинги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

19. Олинган купонларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда сақлаш қиймати бўйича аниқланадиган ҳисобга олинадиган ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия учёти ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири купонли карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қаттиқ риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудири зиммасига юклатилади.

21. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хом ашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш барча банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

24. Сохта купонлари ясаш сохта давлат хазина билетларини ясашга тенг даражада қонун билан тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 2-илова

БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ДАРОМАДЛАР БУЙИЧА КУПОНЛАР БЕРИШ СУММАСИНИ АНИҚЛАШ ШКАЛАСИ

Иш ҳақлари, пенсиялар ва бошқа белгилаб қўйилган даромадлар миқдори (солиқларсиз ва бошқа чегиришларсиз), сўм	Купонлар бериш миқдори, %
500 сўмгача	100
501—1500	500 сўм + 500 сўмдан ошган сумманинг 70 фоизи
1501—2000	1200 сўм + 1500 сўмдан ошган сумманинг 50 фоизи
2001—2500	1450 сўм + 2000 сўмдан ошган сумманинг 20 фоизи
2500 ва ундан кўп	1550 сўм + 2500 сўмдан ошган сумманинг 10 фоизи

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 3-илова

АҲОЛИГА КУПОНЛАРСИЗ СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Белгиланган нормалар бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган товарлар:
- ун
- макарон маҳсулотлари
- гуруч
- мол ёғи
- чой
- қанд-шакар
- тухум
- гўшт ёки гўшт консервалари
- ароқ
- кир совун
- калишлар
- ип-газлама матолар (чит ва хомсурп)
- болалар ассортименти (янги туғилган чақалоқлар учун комплект; ўғил болалар учун кўйлак ва шимлар; қиз болалар учун кўйлак ва юбкалар; 12 ёшгача бўлган болалар оёқ кийимлари; болалар пайпоқ буюмлари ва колготкалар

2*. Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (врач рецептлари бўйича)
- Кўмир, ўтин
- Омухта ем, кунжара, шулха, барда, пиво қуйқаси
- Гуллар, полиэтилен пакетлар, грампластинкалар
- Илгари фойдаланилган, воситачи магазинларда сотиладиган товарлар

Келин-куёвлар учун дўконлар ва бўлимлардаги товарлар, шунингдек, маросимлар учун кўзда тутилган товарлар (маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталарининг маълумотномалари бўйича)

Матбаачилик маҳсулотлари

Дорихоналарда, «Оптика» магазинларида сотиладиган дори-дармон воситалари ва бошқа товарлар, протез-ортопедия корхоналарининг маҳсулотлари

Тонширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига алмаштириб сотиладиган товарлар

Кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган ва улар ўзлари мустақил равишда сотадиган товарлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган ва колхоз бозорида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Тижорат нархларида сотиладиган нефть маҳсулотлари.

* Талон ва купонлар кўрсатилмасдан сотиладиган товарлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 4-илова

АВТОБЕНЗИН УЧУН ТИЖОРАТ НАРХЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ БУЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Ҳаққулов Қ. Ж.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — комиссия раиси

Мўминов Е. Т.
— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси — комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Сандумархўжаев А. С.
— Давлат нархлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Гуськова Т. Н.
— Молия вазирининг биринчи ўринбосари

Тошхўжаев Х. Х.
— Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Йўлдошев А. Т.
— Молия вазирлиги Бош бюджет бошқармасининг бошлиғи

Сноведская А. И.
— Давлат нархлар қўмитасининг бўлим бошлиғи

Цхай В. П.
— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси иқтисодий ривожланиш ва молия бўлимининг бошлиғи, комиссия котиби

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 5-илова

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БУЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Ҳамидов Б. С.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — умумиқтисодиёт комплекси раҳбари

Муталов А. М.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — халқ истеъмоли моллари, савдо ва пулли хизматлар комплексининг раҳбари

Самандаров Э. С.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг раҳбари

Отажонов А. Р.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — меҳнат вазири

Боқибоев Э. Ж.
— молия вазири

Усмонов М. З.
— савдо вазири

Волков Г. Г.
— Ўзбекбирлашув раиси

Муллажонов Ф. М.
— Ўзбекистон давлат банки бошқаруви раиси

Азимов Т. С.
— Ўзбекистон саноат-қурилиш банки бошқаруви раиси

Аҳадов А. А.
— Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки бошқаруви раиси

Раҳматуллаев У. Қ.
— Ўзбекистон жамғармалар банки бошқаруви раиси

Ҳўжаева С. А.
— ижтимоий таъминот вазири

Раҳимов К. Р.
— алоқа вазири

Алматов З. А.
— ички ишлар вазири

Алламуродов Б. А.
— Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси

Ҳантбоев Э. Қ.
— ЎзТАГ директори

Ҳайдаров Т. Ҳ.
— республика пенсия фонди раиси

Аҳмедов Қ. А.
— Давлат нархлар қўмитаси раиси

Мўминов Е. Т.
— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси

• *Шаҳримиз—фахримиз*

ҚУТЛУҒ НОМ

Пискент (аслида Лискент) — Илоқ давлати ҳудудидаги қадимий шаҳар. 930 йилда Пискентдан араб географлари ўтганликлари ва шаҳар номини тилга олганликлари ҳам бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Шаҳримизга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам пойқадами етганлиги ажаб бир воқеадир. Бобур Самарқанддан қайтаётиб, Хўжанд шаҳри рўпарасида Сирдарёдан ўтиб, пойтахти Тункент шаҳри бўлган Илоқ давлати ҳудудида жойлашган Пискентга келади. Ўша пайтда Пискентда Мулла Ҳайдарнинг ўғли Абдуманнон ҳокимлик қилар эди.

Бобур бу ерда бўлган чоғида Оҳангарон кентлари томон йўл олади ва бир неча кун бевосита ҳудудлар билан қизиқади. У билан бирга келган Нўён Кўкалтош, Аҳмад Қосим ва бошқалар ҳам Пискентда Абдуманнопнинг меҳмони бўлишади.

Оҳангарон кентларини кўздан кечириб чиққан саркарда у ердан Сомсарак (ҳозирги Бўка шаҳри)га ташриф буюради. Эртасига тонгда унга Нўён Кўкалтош жардан (бир неча йил муқаддам сув тошқини) рўй берган Бўрижардан йиқилиб, ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар етиб келади. Бобур дарҳол у ерга қайтиб бориб Нўён Кўкалтошни Пискентда дафн этиш маросимида шахсан ўзи иштирок этади. Шундан кейин у яна Сомсаракка қайтади.

«— Ул ғазалким тугатдим, — деб ёзган эди Бобур «Бобурнома»да, — ушбу кун ушбу юртда тугаттим. Ул туганган ғазал будур:

Жонимдан ўзга ёрни вафодор топмадим,
Кўнглумдан ўзга маҳрами асрор топмадим».

Пискентда 1917—1920 йилларда Султон Сегизбоев раис бўлган инқилоб ҳарбий кенгаши жойлашганди. 1924 йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти бўлиб сайланган Йўлдош Охунбобоев эса 1925 йил 1 Май байрамини Жумҳурият пойтахти Самарқандда эмас, Пискент шаҳрида ўтказган эди.

1991 йил апрель ойига қадар Пискент шаҳрини иккига бўлиб турувчи Тошкент канали ва кўпригидан Бўрижаргача ва Пушти Маҳмуд (Маҳмуд тепалиги)гача чўзилган кўча Комсомол кўчаси деб аталарди. Бу ерда район электр станцияси, пахта тозалаш заводи, автомобиль станцияси, «Шарқ» озиқ-овқат магазини, шофёрлар тайёрловчи мактаб, китоб магазини, район Кенгаши ва ижроия қўмита биноларида, ҳаммом, Ҳамза номли 1-ўрта мактаб, ёрдамчи мактаб-интернат ҳамда бошқа маъмурий-маданий масканлар жойлашган бўлиб, уларнинг ҳам шаҳарнинг тараққиётида муносиб ҳиссаси бор.

Маҳалла аҳли З. М. Бобурнинг қисқа бир муддатда бўлса ҳам ушбу масканда ва унинг атрофидаги кентларда бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда «Бобурнома» асари яратилганлигининг 460 йиллиги шарафига кўчани унинг номи билан аташ таклифи билан чиқди.

Меҳнат фахрийси Маҳмуджон Қосимов бошчилик қилаётган шаҳар атама комиссияси ўз йиғилишида бу таклифни якдиллик билан маъқуллади. Ўз навбатида халқ депутатлари Пискент шаҳар Кенгаши сессияси атама комиссияси фикрини қўллаб-қувватлаб, кўчамизни Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аташ тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Кўча фаоллари, меҳнат аҳли ва барча фуқаролари бу тадбирдан ғоятда мамнун бўлдилар.

Мажид САМАДОВ,
Шу кўчада истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси.

• ЭЪЛОН •

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

НУФУЗЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ БЎЛИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ КАТТА МИҚДОРДА МАОШ ТЎЛАНАДИГАН ИХТИСОСЛИКЛАРГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Агарда касбингиз бўлмаса, ҳеч қачон тушкунликка тушманг. Чунки бу ерда сизни қуйидаги ихтисосликлар кутмоқда: йигирувчи, раклист, пардозловчи; қайта ўраш, пиликлаш, пишитиш машиналарининг операторлари, токарь, ишлов берувчи, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика созловчилари.

Сиз ўқиб касб ўрганишингиз мумкин. Атиги қисқа муддат ичида етук мутахассислик гувоҳномасини оласиз. **Ўқиш 3 ойдан 6 ойгача. Ўқиш даврида Сизларга 300—350 сўм миқдорида иш ҳақи тўланади. Ўқишдан сўнг 1000 сўмдан 2000 сўмгача ойлик маош оласиз.** Ишбай ҳақ тўланади.

Бизнинг жамоамиз оғир ва нотинч пайтларда сизларни ҳимоя қилади.

Бирлашмадаги ошхоналар, мева ва сабзавот, озиқ-овқат дўконлари, саунаҳаммомлари, пардоз-андоз хоналари, сартарошхоналар билан жиҳозланган маиший комплекслар ишчилар хизматида.

Бирлашманинг ихтиёрида тиббиёт-санитария қисми, поликлиника, профилакторий, Тошкент денгизи бўйида оромгоҳ, кашшофлар оромгоҳи, «Тўқимачи» спорт комплекси, маданият саройи ва ёрдамчи хўжалиги бор.

Шунингдек, бирлашмада тақчил моллар савдоси ташкил этиб турилади.

Унинг Тошкент вилояти **Паркент ноҳиясида**, Тошкент шаҳар **Акмал Икромов ноҳиясида** (Фарҳод кўчаси, 31«а» уй, «Свердлов уйлари» бекати), **Собир Раҳимов ноҳиясида** (Қора Қамиш даҳаси 1/4, Наби Ҳасанов кўчаси) филиаллари ҳам бор.

Сиз шаҳар ташқарисида яшайсизми— унда асло ҳавотир олманг. Ишчиларни ишга олиб келиш ва ишдан олиб бориб қўйиш учун қуйидаги йўналишлардаги хизмат автобуси қатнайди:

Юқори Чирчиқ ноҳияси: ноҳия маркази Янгибозор, Кавардон, III Интернациональ номли, К. Маркс номли, «Усмонобод», «Социализм», «Жамбул» жамоа хўжаликлари ва «Соҳибкор» шўро хўжалиги;

Чиноз ноҳияси: Яллама қўрғони;

Янгийўл ноҳияси: «Коммунизм» жамоа хўжалиги, Халқобод, Шўралисой қўрғонлари;

Қибрай ноҳияси: «Правда» жамоа хўжалиги, Дўрмон қишлоғи, Байтқўрғон қўрғони;

Ўрта Чирчиқ ноҳияси: «Ким Пен Хва», «Охунбобоев» жамоа хўжаликлари;

Бектемир ноҳияси: Бинокор қўрғони;

Сарноғоч ноҳияси: Жамбул номли, Чичерин номли жамоа хўжаликлари орқали.

Агар СИЗ ҳалол меҳнат қилиб катта маош олишни хоҳлаётган бўлсангиз, шунингдек, юқорида айтиб ўтилган қулай маиший имкониятларни қўлдан бой бермасликни истасангиз, биз СИЗЛАРНИ Тошкент шаҳар, Қушбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган кадрлар бўлимида АЛБАТТА КУТАМИЗ.

МАНЗИЛИМИЗга қуйидаги транспортлар билан борилади: 32, 33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар: 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати. **Маълумотлар олиш учун телефонлар: 53-97-09, 53-20-16, 53-18-72.**

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● ДПА ахборот агентлиги хабар беради: Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга махсус мактуб йўллаб, уни Халқаро валюта фонди ҳамда Жаҳон банкига тезроқ ариза бериб, Россияни уларга зудлик билан аъзо бўлишга чақирди. Шундай қилинган тақдирда, Россия Халқаро валюта фонди имкониятларидан ва Жаҳон банки маблағларидан Россияда ислоҳот ўтказиш учун катта имкониятлар вужудга келади, деб таъкидланди мактубда.

● ЎТГАН душанба куни Москвада Оврўпо ҳамжамияти Комиссияси ваколатхонаси бошлиғи Майкл Эмерсон, Москва ҳукумати вазири Владимир Карнаухов ҳамда Россия ҳукумати халқаро инсонпарварлик ва техникавий ёрдам комиссияси раиси ўринбосари Александр Житниковлар биргаликда имзолаган меморандумга биноан шу йил январь-март ойлари давомида Оврўпо ҳамжамияти томонидан ажратилган 200 миллион экю баҳосидаги озиқ-овқат маҳсулотлари Москвага ҳамда Санкт-Петербургга етказиб берилади.

● ЎН ЙИЛ мобайнида Бош котиблик лавозимини эгаллаб келган, учинчи муддатга сайланишидан умидини узган киши — перулик Хавьер Перес де Куэльяр пенсияга чиқди. Шу йил 1 январидан бошлаб унинг ўрнини мисрлик, салкам етмиш ёшга тўлган Бутрос Бутрос Ғали эгаллади. Янги Бош котиб ўзаро бўлган мулоқотларда ва суҳбатларда фақат бир муддат — 1996 йилгача Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиблиги лавозимини эгаллаяжаклигини айтди. БМТ доирасидаги мутахассисларнинг фикрича, Б. Ғалининг бундай нуқтаи назари эркин-эмин ҳаракат қилиш имкониятини беради.

● ФИДЕЛЬ Кастронинг собиқ қуролдош сафдоши Элихио Родригес Лейва Америкининг Гуантанамо ҳарбий-денгиз базасида бошпана топишга уринган пайтида хибсга олинди. «Кубада инсон ҳуқуқи учун» гуруҳи вакили Хорхо Валльс Майамида ахборот воситалари мухбирлари билан бўлган учрашувда юқоридаги гапларни айтди.

● САЛЬВАДОР ҳукумати ҳамда Фарабундо Марти номидаги миллий-озодлик Фронти вакиллари ўртасидаги келишувга биноан ҳарбий муҳолифлик тўхтатилди. Музокаралар БМТ бош қароргоҳида БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр воситачилигида бўлиб ўтди. Музокараларда иштирок этган Америка расмий кишилари гуруҳининг раҳбари, АҚШ давлат котиби ўринбосари Бернард Аронсон аҳдлашувлар хусусида гапириб: иккала томон уруш тамом бўлганлигини билди. Сальвадор халқи учун янги йилда бу-энг катта туҳфа бўлди. Бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин эди,— деди. Матбуот конференциясида сўзга чиққан Сальвадор президенти Альфредо Кристиани ўртадаги битимга доир техникавий томонлар январь ойи ўрталарида бўлиб ўтадиган якунгий учрашувларда аниқлаб олинади, деб айтди. Рейтер агентлигининг хабарига қараганда, отишмаларни тўхтатиш тўғрисидаги сулҳ шартномаси 1 январдан бошлаб кучга кирди.

● АМЕРИКАДАГИ «Тинчлик корпуси» деб аталган кўнгиллилар ташкилоти Вашингтонда матбуот конференцияси ўтказди. Бу ташкилот машъум «совуқ уруш» йилларида вужудга келган эди. Журналистларга январь ойида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар— собиқ СССРнинг 11 жумҳуриятида ишлаш учун кўнгиллилар танлови эълон қилинажаклиги хабар қилинди. 1992 йил охирида тилга олинган жумҳуриятларда тахминан 200 нафарга яқин кўнгиллилар фаолият кўрсатади. 1993 йил охирига бориб эса уларнинг сони 500 кишига етади.

● РЕЙТЕР ахборот агентлиги Пекиндан хабар берди: Хитой Покистонга 300 минг киловатт-соат электр қувватини яратишга қодир бўлган атом электростанцияси жиҳозларини етказиб беради. Ядровий энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кўзда тутувчи битимга ХХЖ ҳамда Покистон вакиллари имзо чекдилар. Имзо чекиш маросимида иштирок этган ХХЖ Давлат кенгаши бош вазири Ли Пэн «лойиҳа фақат тинчлик мақсадларини кўзда тутади» деб айтди.

● ЯПОНИЯ ташқи ишлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоси мақомини олиш йўллари тўғрисидаги масалани ғайрат билан ишлаб чиқа бошлади. Маълумки, Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган мамлакат халқаро муаммолар юзасидан қарорлар қабул қилишда вето ҳуқуқига эга бўлади. «Иомиури» рўзномасининг Токиодан хабар қилишича, юқоридаги нуфузли идорада Россияга СССРга тегишли ўрнининг берилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилишга ундаши мумкин. Японияниинг БМТ ҳузуридаги расмий вакили Иосио Хатано яқинда Япония 1995 йилда яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси мақомини олиши учун саъи—ҳаракат кўрсатишини ошкора айтди. Бироқ, Токиода бу мақомни олиш осон бўлмайди, деган фикрлар айтилди.

«ГАП ШУ ЕРДА ҚОЛСИН...»

БЎКА РАЙОНИДАГИ БАЪЗИ ЧАЙҚОВЧИ ДЎКОН МУДИРЛАРИНИНГ «ҲАСРАТИ»

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари белни маҳкам боғлаб, ишга киришдилару, фойда деса ўзларини томдан ташлайдиган кимсаларнинг пайтавасига қурт тушди. Мана, бугун улар ҳолироқ жойга йиғилиб, бир-бирларига ҳасрат қилишмоқда. Биринчи бўлиб гапни «Лола» универмаги мудири Каромат Худойқулова бошлади:

— Бу мелиса деганлари нафас олдирмай қўйди-ку, айланайлар. Қизил шапкани кўрсам юрагим ўйнайди. Тунов куни денг, беш-олти қути болалар пайпоғини омборхона бир четига яшириб қўйгандим. Шу куни бир йигит кириб, пайпоқдан сўради, аллақачон сотилиб кетган, дедим. Яшириб қўйганимни ўз пулига сотиб, эсимни еганим йўқ. Ҳалиги боланинг турқи совуқроқ эди, кўнглим алланимани сезди. Сўнг у мелиса Анвар Собиров билан яна кирди. Ҳали эсласам, юрак-бағрим эзилади, нақд 300 сўмлик пайпоқни соттириб юборишди-я! Шундан бери бир оёғим мелисада.

Мелисага тушган бир менми десам, менга ўхшаб куйганлар кўп экан. Шулардан бири «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги марказидаги «Райҳон» озиқ-овқат дўкони мудири Муаззам Ашурматова бўлади. Уни 1990 йили харидор ҳақига хиёнат қилганлиги учун ўртоқлик судида муҳокама қилишганди. Обрўли одамлар ўртага тушиб жазодан олиб қолишганди. Бечора яна қўлга тушибди, харидор Улуғбек Холбоевдан 1 сўм 27 тийин уриб қолди, деб ишини терговга оширишибди. Товба, ҳозир бир сўм ҳам пулми? Шу арзимаган пулни деб бояқишни роса довдиратишяпти. Айтгандек, «Олтиш» участкасидаги аралаш моллар дўкони мудири Гавҳар Ҳалиловани ҳам ушлашибди. Эй, худо, нималар бўляпти ўзи?!

Гап навбатини Маҳбуба Маматова олди.

— Шу ёшимда мелисага тушганим ёмон бўлди. Тиричилик, дебман, маломатга қолишимни ўйламабман. Оқ сақичнинг донасини 50 тийиндан сотаётгандим. Судда олтишлик Омон Умарқулов, мичуринлик Меҳри Мўминоваларни кўрдим, Омонбой яширинча вино, Меҳри сигарет сотаркан. Судхонада роса уялтиришди, ҳар биримизга 100 сўмдан жарима солишди. Аслида шу ишларни қилмасам бўларкан...

— Энди ҳолажон, бекорчидан худо безор, дейдилар, — гапга аралашди район йўл қурилиши идораси ишчиси Зуҳра Умарова, — ҳукуматимиз «ишбилармон» бўлинглар, деяпти. Сигарет сотиш ишбилармонликка кирмайдимиш. Вой, товба, нега? Хумор тутиб, кўзлари қизариб юрган кашандаларга 4 сўмдан сигарет сотсам савобмасми? Кўнгли қоралар шу ишимни ҳам кўп қуришди. Энди, «Бўка» автобекатида холис хизмат қилаётган «ҳамкасб»ларимни айтиб ўтай: Қўйсин Жабборова, Қумри Маҳкамова, Фарида, Ботиршина, Зуҳра Назарова, Муқаддас Умурзоқова, Жаннат Очиловаларда ҳинд чойи, сигарет, шам дейсизми, ҳаммаси бор. Керак бўлса, бораверинглар...

— Гапингиз тугадими, кетишим керак, беморларим кутиб қолди, — деди бир аёл.

— Ия, ҳали сиз чайқов бозорида «ишлаб», ҳаридорларни ҳам даволайсизми?

— Йўқ, мен марказий шифохона ҳамшираси Гулчеҳра Топилова бўламан. Давлатдан ўмармасак, қуруқ ойликка сўппайиб юраверамизми? Касалхонада ишлаб, аптекалардан дори сотиб олсак, кўрган одамлар уят қилишмайдими? Шунинг учун ҳар куни дорилардан оз-оз ўғирлаб олиб чиқиб кетишни одат қилдик. Ҳар куни озгина дори яшириб олиб кетаверсангиз, дунёники йиғилиб қоларкан. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш, деган бало чиқдию, ишимиз юришмай қолди. Тунов куни бирга ишлайдиган Манзура Бўсинова, Мавлуда Бозорбоева, Раҳима Мусабекова, Гулбаҳор Ахматова, Дилором Умаровалар узун-қисқа бўлиб, ишдан қайтаётган эдик, дарвоза олдида тўхтатишди. Биримиздан шприц, иккинчимиздан бошқа хил дори чиқди. Баъзилар спирт ҳам ўғирлашибди. Ноинсофлар ҳаммасини олиб қўйишди...

— Бор гап шуми?

— Шошилманглар-да, энг қизиғини айтаман. «XIX партия съезди» жамоа хўжалигидаги шифохонада Мукаррам Расулова деган аёл ишлайди. У винонинг ҳар шишасини 12 сўмдан пуллаётганда қўлга тушибди, 200 сўм жарима тўлаганмиш.

Қўлга тушиб, судга жарима тўлаганлар нега бизнинг номимизни бутун вилоятга «дўмбира» қилдингиз, деб ҳафа бўлишлари мумкин. Ориятлари қўзиса чайқовчиликни ташлашсин.

Эргаш АБДУМАЛИКОВ,
Бўка район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори.
Муҳаммаджон СОИПОВ,
журналист.

ҚИШКИ ИСИТИШ МАВСУМИДА ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



● Печларни болалар ёқишига рухсат берманг.

● Вақтинчалик печлардан фойдаланиш ёнғинга сабаб бўлади.

● Утин, кийим-кечакларингизни печлар ёнида қуритманг.

● Қўлбола электр иситгич асбобларини ишлатманг.

● Мўриларнинг созлигини, тозалигини текширинг.

● Печлар олдида бензин, керосин ва бошқа тез алангаланувчи суюқликларни сақламанг. Улардан печ-металл тунукаларни қоқиб қўйинг. Ларни ўт олдиришда фойдаланманг.

● Ўт қалаш туйнукларн олдига

Ўтган йилнинг охири ва мазкур йилнинг бошида Тошкент вилояти ҳудудида иситиш ускуналарининг носозлиги ёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида уй эгаларига умумий миқдори 200 минг сўмдан зиёд зарар келтирган 208 та ёнғин рўй берди.

Ҳавонинг совиши муносабати билан шундай ёнғинлар содир бўлиши эҳтимоли янада ортади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН САҚЛАШ БЎЛИМИ ВА ВИЛОЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ

печ ва бошқа иситиш ускуналаридан фойдаланишда бажарилиши зарур бўлган қуйидаги тадбирларни

ЭСЛАТИБ ЎТАДИ:

— мўриларни йиғилиб қолган қурумлардан тозалаш;

— печ ва мўрилардаги ёриқларни бартараф этиш;

— ўтхона эшикларини таъмирлаш ва уларни соз ҳолатда сақлаш;

— ўт ёқиш туйнуги олдига 50х70 см. ли металл тунука қоқиш;

— печ ёқилган пайтда унинг ёнида ўтин, чойшаб, кийим-кечакларни қуритиш;

— иситиш печлари доимий катталарнинг назоратида бўлиши лозим. Печ ёқишни болаларга ишониб топширманг ва печлар билан иситиладиган уйларда уларни ёлғиз қолдирманг.

Газ билан ишловчи печлардан фойдаланишда шуни эсда тутинг, яъни газлаштириш ва газни улаш фақат кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти, уй-жой бошқармаси ҳамда район (шаҳар) газлаштириш идораси орқали амалга оширилади.

Уйдан чиқиб кетаётганда ёки уйқуга ётиш олдидан газни ўчириш керак. Акс ҳолда оловнинг узилиши, газнинг сирқиб чиқиши ва тўпланиши портлаш хавфи бўлган ёнғинни келтириши мумкин.

Газ исини сезишингиз билан чироқни ёқмай, очиқ оловдан фойдаланмасдан туриб, дарҳол хонани шамоллатинг, сўнгра содир бўлган носозликни аниқлаб, бартараф қилиш керак.

Печларни жорий таъмирлаш ва мўриларни тозалаш, шунингдек янги печларни монтаж қилиш ишларини кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятининг мутахассислари бажаришлари керак. Мазкур ишларни бошқа шахсларга ишониб топшириш тавсия этилмайди.

— печкаларни иситиш учун бензин, керосин ва бошқа тез алангаланувчи суюқликлардан фойдаланиш;

— печкаларни ҳаддан ташқари қизиб кетишига йўл қўйиш.

Ёнғинлар кўпинча вақтинчалик печ («буржуйка»)ларнинг қўлланилишидан келиб чиқади. Бунга асосан печ ва мўриларнинг нотўғри ўрнатилганлиги сабаб бўлади. Бундан ташқари ишлатиш давомида чўғдай қизиб кетиши ва унга ёнувчан буюмларнинг тегиб қолиши ҳам ёнғин чиқаради.

Хоналарни иситишда ҳеч қачон «қўлбола» электр иситгичлардан фойдаланманг. Бундай иситгичлар электр қувватини кўп истеъмол қилади натижада ўтказгичларда қисқа туташув юз бериб ёнғин бўлишига олиб келади.

Саноатда ишлаб чиқарилган электр иситгичлардан фойдаланишда электр тармоғини ортиқча кучланмаслигини назорат қилинг. Бунинг учун бир розеткага бир вақтнинг ўзида икки-учта ток қувватини қабул қилувчи манбаларни уламанг.

Бу мураккаб бўлмаган қоидаларга амал қилсангиз Сиз иситиш асбобларини ишлатишда ёнғин чиқишининг олдини олган бўласиз.

Иситиш печларини ўрнатиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича Сиз ноҳия кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятига ёки ёнғиндан муҳофаза қилиш давлат назоратига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН САҚЛАШ БЎЛИМИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ

Назармат

ЁДНОМА

Келди Янги йил бугун,
Салом айлар дил, бугун.
Янги аср — бир қадам,
Мангу йўлда бу олам.
Чархпалакдир бу дунё,
Она-замин, кўк-зиё,
Кезар унда ободлик,
Гоҳи дарду бедодлик.
Гоҳи сезар дил андуҳ,
Гоҳи кезар бедор руҳ.
Бу кенг жумлан жаҳон,
Жойи асли бир макон,
Шу онаи заминдир,
Шу курраи қадимдир.
Шу элнинг фарзандиман,
Шу гулнинг дилбандиман.
Мустақил бўлди диёр,
Кезар наврўзи баҳор.
Энди нурли байроғи,
Шоддир руҳи, қароғи.
Бундай масрур, эркли чоқ,
Йўллари абад порлоқ.
Шод бўлғуси бу олам,
Шаҳидларнинг руҳи ҳам,
Бўлгандим дер шер
қалбли,
Мени билар эл ҳарби,
Шодлигингизда борман,
Дуонгизга мен зорман,
Мен йўлдаман, омонман,
Озод элга посбонман.
Мени ёдлар диёрим,
Унга бахшида борим...
Келди Янги йил бугун,
Салом айлар дил бугун.
Янги аср — бир қадам,
Мангу йўлда бу олам,
Эзгу йўлда бу олам...

—●—

ТЎРТЛИК

Пойтахт десак элтарди бурун
Ҳамма йўллар Москва томон.
Элим бўлиб мустақил букун,
«Бош пойтахтим — Тошкент», дер бу он.

КОРЕЯГА — ИЖОДИЙ САФАРГА

Бундан икки йил аввал тузилган бу эстрада жамоаси мусиқа шинавандаларига яхши танилиб қолди. Чиндан ҳам Ўрта Чирчиқ ноҳиясининг Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалиги маданият уйи ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Гик-Сен» — «Қутб юлдузи» бадиий ҳаваскорлари учун шу қисқа вақт катта изланишлар, маҳорат сари интилишлар даври бўлди. Жамоа хўжалиги мазкур корейс эстрада дастасига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хўжалик маблағи ҳисобидан мусиқали чолғу асбоблари, турли либослар сотиб олинди.

«Гик-Сен» дастаси истеъдодлари яқинда навбатдаги қизиқарли концерт дастурини тайёрладилар. Ана шу томоша билан вилоятимиз вакиллари яқин орада Кореяга сафарга отланадилар. Бу тадбир учун сарф-харажатларни жамоа хўжалиги ўз зиммасига олди.

А. АЛИЕВ.

• БЎЛГАН ВОҚЕА •

ЎРНИНИ ТОПДИ

Бу воқеа вилоятимиздаги районлардан бирида содир бўлган. Ўша йили шикоятчи Нуртожи Эргашев муҳарририятга тунд ҳолда кириб келди. Кўзлари бежо, сўзлаганда лаблари пирпираб кетишидан анча зиқма чекканлигини ўзимча ҳис қилиб, унга ачинган бўлдим. Муҳаррир ҳам уни тинглагач, дарҳол манзилга етиб бориб, воқеани ўрганишни менга топширди. Бордим. Ташкилот бошлиғи билан учрашдим. Баъзи кишилар шикоятда баён этилган ўзи ҳақидаги ножўя фикрларни эшитишса, ранглари оқариб кетади. У эса бепарво. Очиғи илгари хатлар юзасидан сафарга бориб, бунақасини кўрмаганман. Охири сабрим чидамади.

— Шикоятдаги сизнинг шаънингизга айтилган бу фикрлар тўғрими, нега индамайсиз,— сўрадим ундан.

У яна жим. Кейин уф тортди ва бир папка хатларни менинг олдимга суриб қўйди. Танишиб чиқдим. Муҳарририятга келган шикоятдан бирин-кетин 11 идорага юборилган экан. Ҳар биридан келган вакиллар, текширишиб жавобини хатга илова қилишибди. Бошлиқдан ҳам, ташкилотдан ҳам камчилик топилмаган. Энг сўнгида текширган назоратчилар ҳам шундай хулосага келишган. Мен хатни кун бўйи ўргандим. Олдинги текширувчилар ҳақ эди. Сўнг шикоятчининг ким эканлиги билан қизиқдим.

— Ўқитувчиман,— деди у,— узоқ даволанадиган болаларни ўқитаман. Адолат излашдан чарчамайман. Икки йил ичида ўз поччамни, яна икки-уч яқин дўстимнинг айбини топиб ишдан бўшаттирдим. Бошлиқнинг ҳам таги бўшаб қолди. Хизмат машинасида қаерга, қайси соатда, қайси минутда борганини ёзиб қўяяпман. Хотиним буни сезиб қолиб «бас қилинг, тамомила одамгарчиликдан чиқиб қолибсиз, ахир хизмат машинаси бўлгандан кейин бошлиқ иш билан юради-да» деди. Ҳақорат қиладиган сенмисан деб, хотиннинг устидан ҳам ёзганман. Тезда натижа чиқиб қолар.

Масала мен учун анча равшан эди. Поччаси, дўстлари ундан безиллаганлардан бўшаб кетишган экан.

— Илтимос,— менинг шикоятингизни текширгани келганлигим тўғрисида икки энлик тушунтириш хати ёзиб беринг,— дедим.

— У ёзиб берди. Варақка кўз югуртирдим. Ҳар икки сўзнинг бирида хато.

— Нимадан дарс берасиз? — сўрадим ундан.

— Тил ва адабиётдан.

— Тушунарли,— дедим.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, ташкилот бундай ўқитувчидан ҳоли бўлди. Шу орада муҳаррирга шахсан шикоятчининг ўзи етиб келиб, мен ҳақимда арз қилди. У «мухбирингиз ишдан бўшаттирди, мен унга кўрсатаман» дея дағдаға бошлади.

Муҳаррирга «домла»нинг тушунтириш хатини кўрсатдим. Шундан сўнг у шикоятчи билан узоқ суҳбатлашди. Бир соатлар чамаси ўтгач, Нуртожи кабинетдан табассум билан чиқди.

— Бошлиғинглар яхши одам экан, энди тушундим,— деди у. Мана бу хатларни уйга боргач ёндириб ташлайман. У костюмининг ички чўнтакларидан бир даста конвертга жойланган хатларни олди.

— Буниси соғлиқни сақлаш вазирлигига, буни Тошкент вилоят прокуратурасига, мана буниси райижроқўмга, буниси вилоят ижроия комитетига, бу хат эса марказқўмга... эди деди у.

— Ҳаммасининг мазмуни бир хилми,— сўрадим ундан.

— Айнан бир хил. Яна 2—3 та хат уйда, столим устида қолган, уларни ҳам ёндираман...

Яқинда Нуртожини кўрдим, қиёфаси чиройли. Тўрт йилдан бери заводда ишлаётган экан. Уёқ-буёқдан сўраб суриштирдим. Поччаси опаси билан ярашиб кетибди. Дўстлари ўз иш жойларига қайтиб жойлашибдилар. У хурсанд.

— Ёзув-чизувни ташлаганман,— дейди у.— энди мен ҳаққимда ёзишяпти. У чўнтагидан район рўзномасини олиб кўрсатди. Нуртожи Эргашевнинг сурати илғорлар қаторида берилибди. Уни табриклаб қўйдим. Ҳаётда ўрнини топган йигитдан ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетдим.

С. ҲАСАНОВ.

● ЯҚИНДА Абдулла Қаҳҳор номли сатира театри тожик драматурги Меҳмон Бахтининг «Кулол ва қароқчи ҳангомаси» номли эртак комедиясини саҳналаштирди. Бу спектаклга Аҳад Пармонов режиссёрлик қилган. Суратда: спектаклдан кўриниш: она ролида Зарифа Исроилова, савдогар ролида Шуҳрат Рўзноҳунов.

Эркин МУҲАМЕДОВ сурати.

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИДА

ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Ўтган 1991 йилда рўзномамиз муҳарририятига вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги, ноҳиялардаги турли соҳаларнинг мутахассислари, жамоатчи мухбирларимиздан 14 минг 103 та хат ва мақолалар олинди.

Келган хабарларнинг, мақолаларнинг мавзулари турлича, мундарижаси кенг, ранг-баранг. Бирида ишчи меҳнати улуғланса, бирида миришкор деҳқонларимизнинг юмушлари мадҳ этилганди. Рўзномага келган хатларнинг 90 фоиздан кўпроғи рўзнома саҳифаларида босилиб чиқди. 378 та хат муаллифига тегишли жавоблар йўлланди. Хатларнинг умумий сони 1990 йилга нисбатан бир мингтага кўпайди.

Муҳарририятга келган танқидий хатларда жойлардаги у ё бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш ҳақида аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Уларда транспорт хизмати, маданий, савдо, маиший ва бошқа хизмат турларига доир турли масалалар ҳақида фикр юритилган. Бундай мазмундаги хат-хабарлар 200 тача бўлди. Улардан 85 таси турли рукнлар остида рўзнома саҳифаларида эълон қилинди. Қолган 111 таси турли ташкилот, корхона, муассасалар ва маҳаллий Кенгашлар эътиборига ҳавола қилинди. Олинган жавоблар вақтивақти билан эълон қилиб борилди.

ОЛИМЛАР НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯЛАР

Ўзбекистон Маданият вазирлиги атоқли кишилар номидаги тўққизта стипендияни таъсис этди. Улар республика санъат ва маданият олий ўқув юртларининг талабаларига ўқишдаги алоҳида муваффақиятлари учун ҳамда ижодиётда янги ютуқларга рағбатлантириш мақсадида берилади.

Стипендияларга ўзбек маданиятини ривожлантиришга катта ва муносиб ҳисса қўшган атоқли адабиёт ва санъат арбобларининг номи берилган.

Абдулла Қодирий номидаги стипендия Тошкент Давлат маданияти илмгоҳининг кутубхона факультети талабаларига;

Абдулла Авлоний номидаги стипендия Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият илмгоҳининг маданий-маърифий ишлар факультети талабаларига;

Мухтор Ашрафий номидаги стипендия Тошкент Давлат консерваториясининг талабаларига, бўлажак пианиночилар ва бастакорларга;

Исоқ Ражабов номидаги стипендия шу олий ўқув юртининг мусиқашунос талабаларига;

Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги стипендия Тошкент Давлат консерваториясининг оркестр факультети талабаларига;

Юнус Ражабий номидаги стипендия Тошкент Давлат консерваторияси вокал-хор факультети талабаларига;

Фахриддин Содиқов номидаги стипендия Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғу асбоблари факультети талабаларига берилади.

Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат илмгоҳида ҳам ўз стипендиялари бўлади. **Маннон Уйғур** номидаги биринчи стипендия театр факультети талабаларига, **Камолиддин Беҳзод** номидаги иккинчи стипендия эса рассомлик факультети талабаларига берилади.

— Атоқли кишилар номидаги стипендиялар ҳар семестрда бир марта имтиҳон сессиялари якунларига қараб тайинланиши мўлжалланган,— деди Ўзбекистон Маданият вазири Н. Ё. Ғойбов.— Ўқув юртлари олимлар кенгашининг тавсиялари эътиборга олинади. Стипендиялар миқдорига келганда эса уларнинг ҳар бири олий ўқув юртлари учун белгиланган стипендиялар энг юқори даражасидан юз сўм ортиқ бўлади. Бундай стипендияларни тўлаш яхши мутахассис бўлишга интилишни рағбатлантиради деб ўйлаймиз, республикамизга эса ана шундай яхши мутахассислар керак.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА (ЎзТАГ мухбири).

Грипп хуруж қилмасин десангиз

Қиш бошланди дегунча грипп ҳам «қиличини кўтариб» қолади. Бу дарднинг асорати хунук ҳодисаларга олиб бораётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Вилоят аҳолиси орасида ана шу касалликка чалиниб, меҳнат қобилиятини йўқотаётганлар сони ҳар йили кўпайса кўпайяптики, аммо камаяётгани йўқ.. Шу боис ҳар йили «грипп мавсуми»да бу хасталик ҳақида рўзномалар орқали аҳолига яна бир эслатиб қўйишга тўғри келмоқда. Айниқса 1992 йилда хушёрроқ туришимиз керак. Сабаби, мутахассисларнинг таҳлилига кўра грипп вируслари 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида кенгроқ тарқалиши кутилмоқда.

Грипп кўп ҳолларда яширин кечади. Касаллик беморда ҳароратнинг кескин кўтарилиши, бош оғриши, овознинг ўзгариши билан бошланади. Одам ўзини лоҳас сеза бошлайди. Гап ёқмайди, икки чекканинг оғриғига чидаш қийин бўлади. Еш болаларда дард қўзғалганда улар ўзларида умумий заифликни сезадилар. Ҳарорат тез-тез ўзгариб туради, иштаҳа эса бўғилиб қолган бўлади. Гриппга учраган кишида ўпка шамоллаш дарди, сурункали касалликлар кучайиб кетиши мумкин. Юрак хасталиклари қайта қўзғаб, инсонни ўлимга олиб борган ҳолатлар ҳам кузатилди.

Биз кўпинча грипп ҳақида суҳбатлар ўтказганимизда, рўзномалар орқали маълум қилганимизда унинг юқумли эканлигини қайта-қайта таъкидлаймиз. Лекин негадир, ана шу маслаҳатларга кўпчилик қулоқ солмаяпти. Оқибатда соғлом одам ҳам ўзига гриппни юқтириб олмоқда. Шуни ёдда тутиш керакки, бемор йўталганда, аксирганда ҳавога чиққан вируслар соғлом инсонни ҳам «ўз асирига» олиб қўйиши мумкин. Бу айниқса, одамлар гавжум жойларда содир бўлади. Шунинг учун олийгоҳларнинг аудиторияларида, транспортда юрганда, мактабларда, метро поездларида эҳтиёткорлик зарур.

Касалликнинг олдини олиш учун яшаётган жойимизнинг озодалигига, атроф-муҳитнинг софлигига эътибор беришимиз керак. Зарарли одатлардан ҳоли бўлишни ҳам тавсия этамиз. Айтайлик, чекувчи киши бировнинг оғзидан чекаётган сигаретасини олиб «икки-уч марта тортиб берай», дейдиган ҳоллари ҳам учрайди. Ана шундай вазиятда касаллик тезда юқишини унутмаслигимиз лозим. Мактаблар, болалар боғчалари, яслиларда ва умуман жамоат жойларида тозаликка қатъий риоя қилиш талаб этилади. Одамлар тўпланаётган жойларда ҳаво тозаловчи шамоллатгичларнинг мунтазам ишлатиб бино ва хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, уларни ҳўл латтада артиб туриш билан гриппнинг олдини олган бўламиз. Яна бирдан-бир восита аҳолини гриппга қарши эмлашдир. Бу усул кейинги йиллар ичида яхши самаралар беряпти-ю, лекин даволаш муассасалари ходимлари орасида барча шифокорлар ҳам аҳолини ана шундай муҳим тадбирга жалб қиляптилар, деб бўлмайди.

Ўйлаймизки, айтилганлардан хулоса чиқариб ҳар бир киши касалликнинг олдини олишда иштирок этади. Айниқса, қишлоқ аҳолиси истиқомат жойларида бу борада кенг тушунтириш олиб бориш лозим. Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олийгоҳлар ва умуман жамоат жойларида бу дарднинг оқибатлари ҳақида шифокорлар суҳбатлар ўтказишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Н. БОЙМЕТОВА,
Тошкент вилоят санитария-эпидемиология марказининг бош врач ўринбосари.

• Ҳар тўғрида •

БИТТА ТУХУМДАН 10 КИШИЛИК ҚУЙМОҚ

● ДУНЁДА энг йирик тухум туяқушники эканлиги ҳаммага маълум. Бу тухум қанча тош босишини биласизми? Билмасангиз билиб қўйинг: битта тухумнинг оғирлиги (айтгандай, унинг узунлиги салкам 15 сантиметргача боради) бир ярим килограммдан икки килограмм ўртасида бўлади, бу 25—36 та товуқ тухуми билан баравар демакдир. Бир дона тухумдан тайёрланган қуймоқ билан камида ўн кишини овқатлантириш мумкин, ҳатто ундан ҳам кўпроқ одамга бемалол етади. Шундай экан, нима учун бундай паррандаларни жамоа ва шахсий хўжаликларда боқиш ҳамда кўпайтириш мумкин эмас? Биринчидан, уларга бизнинг иқлим ёқмайди, иккинчидан туяқушлар жуда кам тухум қилади. Ҳар бир ургочи паррандa ин қуриш даврида бор-йўғи етти-саккизта тутум қўяди. Шундай бўлгач тухум жуда қимматга тушади, чунки бу паррандаларни боқиш осон эмас.

Шунга ҳам қарамай бари-бир Африкада туяқушларни махсус фермаларда боқишади, албатта, фақат тухум олиш учун эмас. Фермерлар туяқушлар патларини, гўштини, терисини сотишади, унинг терисидан пойабзал, сумкалар, ҳамёнлар ясашади. Албатта, тухумни ҳам сотишади, лекин ундан жуда кам даромад олишади.

—★✦★—

ҚУМ ТЎЛҚИНИ

● БУНДАН ўн — йигирма йил олдинги маълумотларга кўра, Сахрои Кабирнинг жанубий чегараси мунтазам жанубга қараб сурилиб, ҳар йили 5 километр кенгликдаги майдонни эгаллаётган эди. Мутахассислар экин экиладиган майдонлардан нотўғри фойдаланиш, чорвани боқиш шунга олиб келмоқда, деб айтишарди. Бироқ об-ҳавони ўлчовчи йўлдошларнинг бир неча йил давомидаги маълумотларини таҳлил қилиш саҳро жуда мураккаб ҳаракатда эканлигини кўрсатмоқда.

Сахрои Кабирнинг жанубий чегараси 1980 йилдан 1990 йилгача худди денгиз тўлқинлари каби бир неча бор олдинга борган ва орқага қайтган. Бу эса инсон фаолияти билан эмас, балки ёғингарчилик миқдорининг ўзгариши билан боғлиқ экан. Сахро 1980 йилдан то 1984 йилгача жанубга томон 240 километр кенгайган. Лекин, бундан кейин бир йил ичидаёқ, яъни 1984 йилдан 1985 йилгача шимол томонга 110 километр, кейинги йилда яна 30 километр чекинган. 1987 йилда сахро чегараси яна жанубга 55 километрга кенгайган. 1988 йилда эса 100 километр чекинган. 1989—1990 йилларда у жануб томон 77 километр сурилган. Бу шуни кўрсатадики, хулосалар чиқаришга шошилмаслик, яхшиси Ердаги энг катта сахро ҳаракатини яна йигирма йилча кузатиш лозим.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Тошкент шаҳри ва республика аҳолиси диққатига!

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

1992 ЙИЛ 9 ЯНВАРДА

БЎШ ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА КЕНГ ҚУЛАМДАГИ ҚУЙИДАГИ ИШЧИ КАСБЛАРИ ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ:

фрезерчилар, токарлар, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, механика-йиғув ишлари чилангарлари, парчинловчи-йиғувчилар, қолипловчилар, таъмирловчилар, темирчилар, ҳайдовчилар, механизаторлар, қурувчи касбларидаги ишчилар, тарбиячилар.

ЎРТА МАЛАКАЛИ ИШЧИНИНГ ИШ ҲАҚИ — 1300 СЎМ.

Ихтисослиги бўлмаганлар бирлашма цехларида касб ўрганадилар. Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган шахсларга имтиёз берилади.

Ўзбекистон вилоятларидан келган, 18 ёшдан катта, ёлғиз фуқаролари ва заҳирага бўшатилган ёшлар иш пайтида ётоқхонадан жой бериш билан 4 йилгача муддатли шартнома бўйича ишга қабул қилинадилар.

Ярмарка Тошкент шаҳридаги район меҳнат биржаларида, Республика шаҳар ва районларидаги барча меҳнат биржаларида, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилади.

БИРЛАШМАДАГИ ЯРМАРКАГА: 3, 10, 23, 27-трамвайлар; 6, 15, 23, 49, 48, 72, 97, 151, 54-автобуслар билан; метрода эса «Чкалов» бекатигача борилади.

Республикадаги барча меҳнат биржаларидан маълумотлар олиш мумкин.

Бирлашмадаги мулоқот телефонлар: 96-33-91, 96-08-19, 41-02-84.

ДИҚҚАТ!

Бутуниттифоқ ўрмон хўжалиги раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш илмгоҳининг

ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Тошкент райони, Дархон қишлоғи. Телефон: 24-47-22.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

6,50Х16 қишлоқ хўжалик машиналарини, шунингдек, 6,5Х10 ҳажмли машиналарни

СОТИБ ОЛАДИ

Телефонлар: 48-16-24, 48-15-62.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«ИСТИҚБОЛ» Ёшлар Маркази ва Қибрай яхна ичимликлар комбинати қошидаги «ЮЛДУЗ» маданий маркази ҳамкорликда

11 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 да,
12 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ва 19.00 да

ЮЛДУЗХОНИМ АБДУЛЛАЕВАНИНГ

Соғинаман, йўлга қарайман

деб номланган

КОНЦЕРТИНИ

ўтказади.
ДАСТУРДА:
хонанда
Доннёр МИРЗААҲМЕТОВ,
«Қизиқчи—90» танловининг дипломанти
Аввазжон ТОЛИБЖОНОВлар
ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.
Дастурни Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чиптолар соат 11.00 дан бошлаб сарой чиптахоналарида, метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби», «Максим Горький» бекатларида сотилади.

Маълумотлар учун телефон: 45-92-13.

• Ўрта Чирчиқ хабарлари •

ТОЗАЛАШ ИШООТИ ҚУРИЛЯПТИ

● ТУЙТЕПА шаҳрида коммуникация иншоотларининг йўқлиги кўп йиллардан буён тозаликни сақлаб туришда қийинчилик туғдириб келмоқда эди. Ноҳияда ҳажмли ип йигирув фабрикасининг қурила бошлаши шаҳарда ҳам тозалаш иншоотлари қурилишини бошлаб юборишга имконият яратди. Ишни Тошкент сув хўжалиги трестига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасининг учинчи участкаси бинокорлари олиб бормоқдалар. Ўтган вақт ичида режадаги бир миллион сўмлик иш бажарилди. Тозалаш иншоотидаги иккита биологик, сувни тозаловчи тўртта қум ҳовуз тўрт мартадан бетонлаб чиқилди. Барча ҳовузларга шу кунгача 2 минг кубометр бетон ётқизилди. Ҳозирда чиқит сувлар тиндириладиган майдоннинг 6 таси ковланиб, асфальт ётқизишга ҳозирлаб қўйилди. Қурувчилар келгуси йилда турли коммуникация ишлари учун иморатлар, гараж ва омборхоналар қуришни мўлжаллашяпти.

ҚУЛАЙЛИК

● НАРХ-НАВОНИНГ ошиши муносабати билан ноҳия босмахонасида қулайлик яратиш мақсадида 12 минг сўм пул тушлик овқат учун ажратилиб, ишчиларга тарқатилди. Ҳар бир ишчига ўртача 500 сўмдан тўғри келди.

Шунингдек босмахонада йиллик режа муваффақиятли адо этилиб, 250 минг сўмлик ўрнига 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилди. Аҳолига 1991 йилда 3 минг сўмлик ўрнига 6 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатилди.

СУТ—ИШЧИЛАРГА

● ҚОРАСУВ пахта тозалаш заводида ёрдамчи хўжалик ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳозирги кунда ёрдамчи хўжаликда 34 та қорамол боқиляпти. Шундан 10 таси соғин сигирлардир. Соғиб олинган сут завод ишчиларига тарқатилмоқда.

Бир неча йил олдин завод майдонидаги 2 гектар фойдаланилмаётган ер ўзлаштирилиб, боғ барпо этилган эди. Бултур олма, шафтоли сингари дарахтлар ҳосилга кирди. Бир ярим тонна олма, бир ярим тонна шафтоли ишчиларга ва завод қошидаги боғча болаларига берилди.

ЧОЙХОНА ИШГА ТУШДИ

● НОҲИЯ марказида маданий-маиший қурилишлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. «Разнопром» бекати қаршисидаги чойхона қисқа муддатда қуриб битказилиб, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Қурилишни «Эллада» ёшлар марказининг 40 нафар аъзолари амалга оширдилар. 350 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 2 та дам олиш хонаси, ошхона ва видеобар ишга туширишга ҳозирлаб қўйилди. Чойхона қурилишида А. Камолиддинов бошлиқ пардозловчилар, Р. Юнусов бошлиқ дурадгорлар бригадаси аъзолари фидокорона меҳнат қилдилар.

Бахтиёр СУЛТОНОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ободонлаштириш бош бошқармасининг Шаҳар ободонлаштириш ишлари бўйича ишлаб чиқариш комбинати ходимлари жамоаси корхона бош муҳандиси Қ. Қосимовга акаси Боқижон АЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 24.10. 30579 нусха босилди.